29.  $m$  ва  $n$  даражали иккита кўпҳад кўпайтмасидан иборат бўлган кўпҳаднинг коэффицентларини топишни таъминлайдиган дастур тузинг. Шу дастурдан фойдаланиб,



7- чизма.

$(3x^2 - 2x + 5)(4x^3 - 7) - (7x^2 + 4x - 1)(x^3 - x^2 + x - 2)$   
 кўпхад коэффициентларини ҳисобланг.

30. Томонлари  $a, b, c, d, e$  ва диагоналлари  $d_1, d_2$  бўлган  $ABCDE$  кўпбурчакнинг бурчакларини ҳисоблаш дастурини ёзинг (7-чизма).

31. Гиперболик тангенс тақрибий қийматини ҳисоблашни таъминлайдиган дастурни қуйидаги

$$\operatorname{th}(x) = \frac{\sum_{k=0}^{20} \frac{x^{2k+1}}{(2k+1)!}}{\sum_{k=1}^{20} \frac{x^{2k}}{(2k)!}}$$

формула ёрдамида тузинг. Ушбу дастурдан фойдаланиб,

$$y = \frac{2\operatorname{th}\left(\frac{1}{2}\right) - 3\operatorname{th}\left(x - \frac{1}{10}\right)}{5 - \operatorname{th}(4x - 1)}$$

миқдорни ҳисобланг.

32. Қуйида берилган

$$N = \max_i \sum_{k=1}^m |a_{ik}|$$

формула ёрдамида тартиби  $m$  бўлган квадрат матрица нормасини топишни таъминлайдиган дастурни тузинг.

33. Тартиби  $n$  бўлган квадрат матрица устида қуйидаги амаллар: икки матрицани қўшиш, матрицани сонга кўпайтириш, икки матрицани кўпайтиришни таъминлайдиган дастур тузинг. Ушбу  $D = A + B \times C - 3E$  дастур ёрдамида матрицани ҳисоблаш дастурини ёзинг. Бу ерда  $A, B, C, D, E$  — бешинчи тартибли матрицалар.

34. Координаталар бошидан  $M(x, y, z)$  нуқтагача бўлган  $r$  масофани ҳисоблашни таъминлайдиган дастурни тузинг. Ушбу дастурдан фойдаланиб, учларининг координаталари  $A(x_1, y_1, z_1), A(x_2, y_2, z_2), \dots, A(x_5, y_5, z_5)$  бўлган бешбурчак периметрини ҳисоблаш дастурини ёзинг.

35.  $C_m^n$  ( $m$  элементдан  $n$  тадан группалашлар сони)ни ҳисоблаш учун дастур тузинг ва ундан фойдаланиб,

$$Z = C_{15}^1 + C_{14}^2 + \dots + C_8^8$$

миқдорни ҳисоблаш дастурини тузинг.

36.  $(x, y)$  координатлари  $M$  нуқта учларининг координатлари  $(x_1, y_1)$ ,  $(x_2, y_2)$ ,  $(x_3, y_3)$  каби бўлган учбурчак ичида ётадимни, дега  $n$  саволга жавоб бера оладиган дастурни ёзинг.

37. Икки томони  $a_i, b_i$  ва улар орасидаги  $\varphi_i$  бурчаклари ( $i = 1, 2, \dots, 10$ ) маълум бўлган ўнта учбурчак ичидан юзи энг катта (юзи ва учбурчак номери) бўладиганини топиш дастурини ёзинг.

Дастурда  $u, n, m, i$  формал параметрли  $i$  индекслари орқали аниқланувчи  $u_1, u_2, \dots, u_n$  кетма-кетликнинг энг катта элементини танлаш ҳамда учбурчак юзини ҳисоблаш дастурини қўллашни кўзда тутинг.

38.

$$H_{n+1}(x) = 2(x \cdot H_n(x) - n \cdot H_{n-1}(x))$$

рекуррент формула ёрдамида

$$H_n(x) = (-1)^n e^{x^2} \cdot \frac{d^n (e^{-x^2})}{dx^n}$$

Эрмит полиномларини ҳисоблаш дастурини тузинг. Бу ерда  $H_0 = 1, H_1 = x$ . Ушбу дастурда мурожаат операторининг кўриниши

$$\text{Hermite } (n, x, H)$$

бўлиб, бу ерда  $n$  — Эрмит полиномининг тартиби,  $x$  — аргументи,  $H$  — полином қийматини ўзлаштирувчи ўзгарувчи.

$$39. M = \frac{1}{n} \cdot \sum_{i=1}^n a_i, D = \frac{1}{n-i} \cdot \sum_{i=1}^n (a_i - M)^2$$

формулалар ёрдамида  $\{a_i\}$  тасодифий миқдорларни тажрибадан олинган қийматлари бўйича  $M$  математик кутилмаси ва  $D$  дисперсиясини баҳолашни ҳисоблайдиган дастур ёзинг.

$$40. S = \sqrt{p(p-x)(p-y)(p-z)},$$

бу ерда

$$p = \frac{1}{2}(x + y + z),$$

формула ёрдамида томонларининг узунликлари  $x, y, z$  бўлган учбурчак юзини ҳисоблашни таъминлайдиган дастур ёзинг. Агар томонларининг узунликлари  $x, y$  ва  $z$  бўлган учбур-

чакни яшаш мумкин бўлмаса, у ҳолда натижага 1 сонини чиқаринг.

#### 41. $n$ - даражали

$$P_n(x) = \sum_{i=0}^n a_i \cdot x^{n-i}$$

полиномни дифференциаллаш алгоритмини таъминлайдиган дастур тузинг. Дастур натижаси деб  $\vec{B} = (b_0, b_1, \dots, b_n)$  векторни ҳисобланг. Бу ерда  $b_i$  —  $P_n(x)$  полиномни дифференциаллаш натижасида ҳосил бўладиган

$$Q_{n-1}(x) = \sum_{i=0}^n b_i \cdot x^{n-1-i}$$

кўпхад коэффициентларидан иборат.

#### 42. Итерация методи билан

$$x = \sin x + 1$$

тенгламанинг илдизини ҳисоблаш алгоритмини таъминлайдиган дастур тузинг. Бошланғич яқинлашишни  $t$  деб олинг:

$$x_k = \sin x_{k-1} + 1, \quad k = 1, 2, \dots; \quad x_0 = t.$$

Иккита кетма-кет  $x_{k-1}$  ва  $x_k$  яқинлашишлари учун  $|x_k - x_{k-1}| \leq q$  шарт бажарилиши билан итерацияни тугатинг ва  $x$  учун охирида ҳисобланган илдизнинг тақрибий қийматини беринг.

#### 43. Ҳақиқий турли $a$ ва $b$ сонлар берилган.

$$u = f(0.5, a) + f(a, b) + f(a + b)$$

ифодани ҳисобланг. Бу ерда

$$f(x, y) = \frac{x^2 + xy - y^2}{1 + x^2 + y^2}$$

#### 44. Ушбу

$$A = (2, 3 + y) / (y^2 + \sqrt{3y^2 + 2y + 1});$$

$$B = (3y^2 + 1) / (y^4 + \sqrt{3y^4 + 2y^2 + 1});$$

$$C = (\sin x + y) / (x^2 + \sqrt{3x^2 + 2x + 1});$$

$$D = (8x^2 + y) / (\sin^2 x + \sqrt{3 \cdot \sin^2 x + 2 \cdot \sin x + 1});$$

$$E = (2.5 + x^3) / (e^{2x} + \sqrt{3e^{2x} + 2e^x + 1})$$



функцияларни ҳисоблаш жараёнига мос дастур ёзинг.

45. Ҳақиқий турли  $x$  ва  $y$  берилган. Ньютоннинг итерацион формуласи

$$y_{k+1} = y_k + v_k,$$

бу ерда

$$v_k = (x / y_k + y_k) / 2,$$

ёрдамида  $y = \sqrt{x}$  функцияни  $\xi = 10^{-4}$  аниқликда ҳисоблаш учун  $SQR(X)$  функцияни қўллаб,

$$z = \sqrt{\sqrt{1+x^2} + \sqrt{x^2+y^2}}$$

ҳисоблаш дастурини тузинг. Бошланғич яқинлашиш учун  $y_0 = 1$  ни олинг.  $|v_k| \leq \xi$  шарт бажарилиши билан итерацияни тугатинг.

46. Бутун турли  $m$ ,  $n$  ва ҳақиқий турли  $A$ ,  $B [1:m]$  ва  $C$ ,  $D [1:k]$  массивлар берилган.

$$x = (\vec{A}, \vec{B}) = \sum_{i=1}^m a_i \cdot b_i; \quad y = (\vec{C}, \vec{D}) = \sum_{i=1}^k c_i \cdot d_i$$

векторларнинг скаляр кўпайтмасини топиш дастурини тузинг.

47. Бутун турли  $m$  ва ҳақиқий турли  $x$ ,  $y$ ,  $z [1:m]$  векторлар берилган.

$$u = \sum_{i=1}^m x_i; \quad v = \sum_{i=1}^m y_i; \quad w = \sum_{i=1}^m z_i$$

ҳисоблаш дастурини тузинг.

48.  $m$ - даражали полиномни  $n$ - даражали полиномга кўпайтириш алгоритмини таъминлайдиган дастур ёзинг.

$$49. \int_{-1}^1 \frac{x}{1+x} dx \quad \text{ва} \quad \int_{0,1}^{0,5} \frac{1-x^2}{x+x^3} dx$$

интегралларнинг қийматлари жадвалини ҳисобловчи дастур ёзинг. Ҳар бир интеграл қийматини тўртбурчаклар формуласи

$$I = \int_a^b f(x) dx \approx h \sum_{i=0}^{n-1} x_i,$$

бу ерда

$$x_i = a + ih, \quad h = \frac{b-a}{n},$$

ёрдамида тақрибий ҳисобланг. Биринчи интегрални ҳисоблашда  $n=100$ , иккинчисиде эса  $n=40$  деб олинг.

50. Манфий бўлмаган бутун  $n$  ва  $m$  сонлар берилган.  $\text{fact} = 1 \times 2 \times 3 \times \dots \times n$  функциядан фойдаланиб,  $l = \frac{m! + n!}{(m+n)!}$  ҳисоблаш дастурини тузинг.

### 7-лаборатория иши

Тема: Бейсик дастурлаш тилининг график воситалари.

Ишнинг мақсади: Компьютер экранига график ахборотларни киритиш қоидаларини ўрганиш ва график операторлардан фойдаланиш малакаларини ва кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат.

Масаланинг қўйилиши. Берилган расмларни компьютер экранига чиқарадиган дастур тузинг ва уни компьютерга киритиб, экранда сўралган расмни ҳосил қилинг.

#### Вазифани бажариш усули

Вазифа. Компьютер экранига яшил рангдаги тўртбурчак ичида жойлашган қизил рангли юлдузчани чиқарадиган дастур тузинг ва уни компьютерга киритиб, экранда сўралган расмни ҳосил қилинг.

Бажариш. Маълумки, экранга  $(X, Y)$  координатали  $C$  рангдаги нуқтани чиқариш учун PSET  $(X, Y), C$  операторидан фойдаланилади.  $(X1, Y1)$  ва  $(X2, Y2)$  координатали нуқталар орасидаги кесмани экранга чиқариш LINE  $(X1, Y1) - (X2, Y2), C$  оператори орқали амалга оширилади. Бу ерда  $C$  параметр кесманинг рангига мос номер.

Диагоналларидан бирининг учлари  $(X1, Y1)$  ва  $(X2, Y2)$  координаталарда жойлашган тўғри тўртбурчакни компьютер экранига

LINE  $(X1, Y1) - (X2, Y2), C, B$

оператор ёрдамида чиқарилади. Бу ерда  $B$  параметр ўрнида BF бўлса, у ҳолда ичи  $C$  рангли тўғри тўртбурчак чизилади.

График тартиб SCREEN2 оператор ёрдамида берилишини ва юқорида айтилганларни ҳисобга олиб, қўйилган вазифани бажарамиз.

1-усул. Ҳосил қилмоқчи бўлган юлдузчанинг дастури қуйидагичадир:

1 Ø REM—юлдузча

2Ø SCREEN 2

3Ø LINE (10, 10) — (240, 180), 15, B

4Ø LINE (115, 60) — (145, 150), 15

5Ø LINE (145, 150) — (75, 95), 15

6Ø LINE (75, 95) — (155, 95), 15


7Ø LINE (155, 95) — (85, 150), 15

8Ø LINE (85, 150) — (115, 60), 15

9Ø GOTO 9Ø

Келтирилган дастурдаги 1Ø-оператор изох учун берилган 2Ø-оператор график тартибга ўтилганлигидан далолат беради. 3Ø-оператор экранга тўғри тўртбурчакли ҳошия чизишни таъминлайди. 4Ø—8Ø-операторлар чизмоқчи бўлган юлдузчанинг учларини туташтирувчи чизиқларни ҳосил қилиш учун берилган. 9Ø-оператор чизилган юлдузчанинг шакли экранда бир онда кўришиб, сўнгра йўқолмаслигини таъминлаб туради.

Ушбу дастурни компьютерга киритиб, сўнгра бажарилса, яъни RUN буйруғи берилса, компьютер экранга қуйидаги кўринишдаги расм чиқарилади (қавсларда келтирилган координаталар экранда кўринмайди);



2-усул. Ушбу расмни экранга DRAW операторидан фойдаланиб ҳам чиқариш мумкин, яъни:

1Ø REM — юлдузча

2Ø SCREEN 2

3Ø LINE (10, 10) — (240, 180), 15, B

4Ø PSET (115, 60)

5Ø DRAW «с 15 т 115, 60 т 145, 150 т 75, 95 т 155, 95 т 85, 150 т 115, 60»

6Ø GOTO 6Ø


## Текшириш учун саволлар








1. Экрани қандай қилиб график тартибга ўтказилади?
2. График тартибга ўтказишнинг неча хили мавжуд? Улар бир-бирдан нима билан фарқланади?
3. Қандай оператор орқали экранга кесма чиқарилади? Тўғри тўртбурчак-чи?
4. Экранинг ранги қандай қилиб ўрнатилади?

5. Чизилган шакли қандай қилиб турли рангга бўяш мумкин?
6. Компьютер экранда қандай қилиб айлана ҳосил қилиш мумкин? Эллипс-чи? Бирор ёй-чи?
7. Қандай қилиб экранга рангли нуқта чиқарилади?
8. Ямаха ШЭХМда неча хил экран ранглари мавжуд? Уларнинг баъзиларининг номерини айтинг.

### 7-лаборатория ишига доир вазифалар

**В а з и ф а.** Берилган чизмаларни ҳосил қилиш дастури тузилсин ва уни компьютерга киритиб, экранга чиқаринг:





## II БОБ. ТАҚРИБИЙ СОЎЛАР

### 8- лаборатория иши

**Тема:** Компьютерларда бевосита ҳисоблаш режимида ишлаш.

**Ишнинг мақсади:** Компьютер ёки жажжи калькуляторларда ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш ва мустаҳкамлаш.

**Масаланинг қўйилиши:**

а) Компьютерда ёки жажжи калькуляторларнинг барча тугмаларини қўллаб ечиш кўзда тутилган мисолларни ҳисобланг;

б) берилган мисолларнинг ҳисоблаш дастурларини (компьютер ёки жажжи калькуляторларнинг тугмаларини босиш кетма-кетлигини) ёзинг.

### Вазифани бажариш усули

1-вазифа. Берилган барча вазифаларни жажжи калькуляторларда (БЗ—18М, БЗ—34, МК—52 ёки бошқа турида) ва компьютерда (ПРАВЕЦ—8А, ЯМАХА, ҚОРВЕТ, АГАТ ёки бошқа турида) бажаринг.

2-вазифа. Берилган вазифаларни ҳисоблашга мос дастурлар (машиналарнинг тугмаларини босиш тартибини) ёзинг.

А — жажжи калькулятор учун вазифа қўйидагича амалга оширилади.

1.  $x$  нинг қийматини ҳисобланг:

$$x = \left[ \frac{(2+4) \times 5}{7} + 3 \right] \times (-6).$$

Бажариш:

$$2 \boxed{+} 4 \boxed{\times} 5 \boxed{\div} 7 \boxed{+} 3 \boxed{\times} 6 \boxed{-} \boxed{=} -43,714285$$

У ҳолда  $x = -43.714285$ .

2.  $\sqrt{x}$ ,  $1/x$  тугмаларидан фойдаланиб,  $S$  нинг қиймати-  
тини ҳисобланг:

$$S = 42,62 + \sqrt{\frac{1}{3}} + 6,78 + \frac{1}{6} - \sqrt{50}.$$

Бажариш:

$$42 \text{ , } 62 \text{ + } 3 \text{ F } 1/x \text{ F } \sqrt{\text{ + } 6 \text{ , } 78 \text{ + } 6 \text{ F } 1/x \text{ /- } 50 \text{ F } \sqrt{\text{ = } 43,0729449}$$

Демак,  $S = 43,0729449$ .

3.  $\leftrightarrow$  тугмани қўллаб,  $y$  нинг қийматини ҳисоб-  
ланг:

$$y = 1 - \left(125 - \frac{16,5 \times 3}{5}\right).$$

Бажариш:

$$16 \text{ , } 5 \text{ X } 3 \text{ : } 5 \text{ /- } 125 \text{ } \leftrightarrow \text{ /- } 1 \text{ } \leftrightarrow \text{ = } -141,1$$

Демак,  $y = -141,1$ .

4.  $x = \left(\frac{3}{8}\right)^2 \sqrt{2}$  ни ҳисобланг.

Бажариш:

$$\text{F } \sqrt{\text{ x } 2 \text{ = } \text{F } \text{ зап } 3 \text{ : } 8 \text{ = } \text{F } x^y \text{ F } \text{ ип } \text{ = } 0,062399$$

5.  $A = \lg_{\sqrt{3}} 3 \cdot \sqrt[8]{9}$  ни ҳисобланг.

Бажариш:

$$3 \text{ F } \sqrt{\text{ F } \text{ ln } \text{ F } \text{ зап } 9 \text{ F } x^y \text{ F } 1/x \text{ = } \text{ F } \text{ = } \text{ F } \text{ ln } \text{ : } \text{ F } \text{ ип } \text{ = } 2,8000003$$

Демак,  $A = 2,8000003$ .

6.  $B = \sin \frac{\pi}{3} + \cos \frac{\pi}{3}$  ни ҳисобланг.

Ба ж а р и ш:

рақ. F π = 3 = F зап F sin F π →  
F cos F π + F ИП 1,366025

Демак,  $B = 1,366025$ .

Б — Компьютерларда қуйидагича амалга ошир илади.

1.  $X$  нинг қийматини ҳисобланг.

$$X = \left[ \frac{(2+4) \times 5}{7} \right] \times (-6).$$

Ба ж а р и ш:

? "X = "; ((2 + 4) \* 5) / 7 + 3 \* (-6)

$$X = -43.714285714286$$

2.  $S$  нинг қийматини ҳисобланг:

$$S = 42,62 + \sqrt{\frac{1}{3}} + 6,78 + \frac{1}{6} - \sqrt{50}.$$

Ба ж а р и ш:

? "S = "; 42.62 + SQR(1/3) + 6.78 + 1/6 - SQR(50)

$$S = 43.072949123991$$

3.  $Y$  нинг қийматини ҳисобланг:

$$Y = 1 - \left( 125 - \frac{16 \times 3}{5} \right).$$

Ба ж а р и ш:

? "Y = "; 1 - (125 - (16.5 \* 3) / 5)

$$Y = -141,1.$$

4.  $X = \left(\frac{3}{8}\right)^2 \sqrt{2}$  ни ҳисобланг.

Ба ж а р и ш:



$$? "X = "; (3/8) \wedge (2 * \text{SQR}(2)) \quad \boxed{\swarrow}$$

$$X = .062399122639968$$

$$5. A = \lg_{\sqrt{3}} 3 \cdot \sqrt[5]{9} \text{ ни ҳисобланг.}$$

Ба ж а р и ш:

$$? "A = "; (\text{LOG}(3) / \text{LOG}(\text{SQR}(3))) * 9 \wedge (1/5) \quad \boxed{\swarrow}$$

$$\text{Демак, } A = 2,8000003.$$

$$6. X = \sqrt{\sin^2 0,73 + 3 \times e^{-5,2}} \text{ ни ҳисобланг.}$$

Ба ж а р и ш:

$$? "X = "; \text{SQR}(\text{SIN}(0.73) \wedge 2 + 3 * \text{EXP}(-5.2)) \quad \boxed{\swarrow}$$

$$\text{Демак, } X = .67916478365145.$$

$$7. Y = \text{ctg} \sqrt[3]{5,2} \text{ ни ҳисобланг.}$$

Ба ж а р и ш:

$$? "Y = "; \text{COS}(5.2 \wedge (1/3)) / \text{SIN}(5.2 \wedge (1/3)) \quad \boxed{\swarrow}$$

$$\text{Демак, } Y = -.16310561662317.$$

$$8. B = e^{1,6} + \sin 2,3 \text{ ни ҳисобланг.}$$

Ба ж а р и ш:

$$? "B = "; \text{EXP}(1.6) + \text{SIN}(2.3) \quad \boxed{\swarrow}$$

$$\text{Демак, } B = 10.440632993487.$$

$$9. X = |2,7^{3,1} + \sin(\sqrt{2,5 + 3,7^2})| \text{ ни ҳисобланг.}$$

$$\text{Ба ж а р и ш: } ? \langle X = \rangle; \text{ABS}(2.7 \wedge 3.1 + \text{SIN}(\text{SQR}(2.5 + 3.7 \wedge 2)))$$

$$\text{Демак, } x = 20.966337565386.$$

## Т е к ш и р и ш у ч у н с а в о л л а р

1. Индикатордаги сон қандай қилиб хотирага жойлаштирилади?
2. Хотирадаги сонни қандай ўчириш мумкин?
3. Машинада «тулиб кетиш» ҳодисаси нима?
4. Ишчи регистридаги сон билан индикатордаги сон ўрнини алмаштириш мумкинми? Мумкин бўлса, у қандай амалга оширилади?
5. БЗ—18М электрон тугмали ҳисоблаш машинаси тугмаларининг вазифасини тушунтиринг.
6. «F» тугманинг вазифаси нимадан иборат?
7. «X<sup>y</sup>» ҳисоблаш қандай амалга оширилади?

## 8- лаборатория ишига доир вазифалар

- 1-вазифа. Берилган барча мисолларни электрон тугмали ҳисоблаш машинаси БЗ-18М да бажаринг.  
2-вазифа. Ҳисоблаш дастурини ёзинг.

### Вариантлар

1. Қуйидаги сонларни  $24,45 + \alpha$ <sup>1)</sup> сонга қўпайтиринг:

- а) 41,55;    в) 162,32;    д) 6,2376;  
б) 0,025;    г) 0,0002547;    е) 6543,21.

2. Қуйидаги сонларни 7,456 сонга бўлинг:

- а)  $142,34 + \alpha$ ;    в)  $0,2376 + \alpha$ ;    д)  $102,364 - \alpha$ ;  
б)  $0,0356 - \alpha$ ;    г)  $86,78 + \alpha$ ;    е)  $7,43219 - \alpha$ ;

3.  $x$  нинг қийматини ҳисобланг:

а)  $x = \frac{43,5 \cdot (0,42 + \alpha)}{0,7869}$ ;    в)  $x = 0,67 \cdot \frac{\alpha + 0,0234}{6,87} \cdot \frac{1}{325}$ .

б)  $x = 356 \div \frac{432 + \alpha}{24,8 - 64} \cdot 22,46 - 27$ ;

4.  $x^2$  тугмасини қўлламаздан  $x$  нинг қийматини ҳисобланг:

а)  $x = \frac{1,256 \cdot \alpha \cdot 85 \cdot 6,2 \cdot 5,68^2}{\alpha}$ ;

б)  $x = 68 - \frac{7\alpha \cdot 36,4}{4,35^2}$ .

5. Қуйидаги тенгликни текширинг:

а)  $13^2 + 84^2 = 85^2$ ;    б)  $77^2 + 36^2 = 85^2$ .

6. Ҳотира регистрдан фойдаланиб,  $x$  нинг қийматини ҳисобланг:

а)  $x = \frac{\alpha,64}{4367} \div \frac{\alpha,78}{2167} \cdot \frac{1}{\pi \cdot \alpha}$ ;

б)  $x = \frac{\alpha,75 \cdot 10^{-2}}{0,5} - \left( \frac{\alpha,75}{3500} - \frac{1,78}{3 \cdot \alpha} \right)$ .

1)  $\alpha = 1, 2, \dots, 25$  бўлиб, вариант номерини ифодалайди.

7.  $\sqrt{x}$  ва  $1/x$  тугмалардан фойдаланиб, қуйидаги ифодаларнинг сон қийматини топинг:

а)  $y = \alpha, 591 \cdot \sqrt{3,04 \cdot \alpha \cdot 10^6}$ ;

б)  $x = \frac{1}{\sqrt{\alpha,5}} + \frac{1}{\sqrt{3}} - \frac{1}{\sqrt{\alpha}}$ .

8.  $\sqrt{}$ ,  $\leftarrow$  тугмалардан фойдаланиб,  $y$  нинг қийматини ҳисобланг:

$$y = (\sqrt{\alpha - 2 \cdot \sqrt{\alpha}} + \sqrt{3 + 2 \cdot \sqrt{\alpha}})^2.$$

9.  $x^y$  тугмадан фойдаланиб, қуйидаги даражали ифодаларнинг қийматини ҳисобланг:

а)  $7,2^{0,8\alpha}$ ;    в)  $\frac{100}{1 \cdot 100}$ ;    д)  $1,2^{1/\alpha}$ ;  
 б)  $\pi^{0,71\alpha}$ ;    г)  $2^{1/\alpha}$ ;    е)  $\alpha^{1/\pi}$ .

10.  $\lg$  ва  $\ln$  тугмалардан фойдаланиб,  $x$  нинг қийматини ҳисобланг:

а)  $x = \ln 0, \alpha / \lg 256$ ;    б)  $x = \lg \alpha^{75}$ .

11. Тригонометрик функциялар тугмаларидан фойдаланиб, қуйидаги ифодаларнинг қийматини ҳисобланг:

а)  $x = \operatorname{tg} 20^\circ + \operatorname{ctg} 60^\circ$ ;

б)  $y = \lg |\sin 2^\circ 38'| - \ln |\cos \alpha^\circ 54'|$ ;

в)  $x = \cos \alpha^\circ + \sin 38^\circ \alpha' - \operatorname{tg} \alpha^\circ 54'$ .

12. Қуйидаги берилган тескари тригонометрик функцияларнинг қийматларини топинг. Натижаларни радианларда ифодаланг:

а)  $\arccos 0,8\alpha$ ;

б)  $\arcsin \alpha,6$ ;

в)  $\operatorname{arctg}(\sin 20^\circ \alpha')$ .

### 9- лаборатория иши

Тема: Хатоликлар арифметикаси.

Ишнинг мақсади: талабаларни тақрибий сонлар устида амаллар бажариш жараёнида ишончли

рақамлар сонини аниқлашга ўргатиш ҳамда ҳосил бўладиган абсолют ва нисбий хатоликларни топиш кўникмасини ҳосил қилдириш.

Ма с а л а н и н г қ ў й и л и ш и: берилган тақрибий сонлардаги барча рақамларини аниқлаб, уларнинг йиғиндисини, кўпайтмасини, бўлинмасини, илдизини ва даражаларини топинг ҳамда натижанинг абсолют ва нисбий хатоликларини аниқланг.

### Вазифани бажариш усули

1- в а з и ф а: Берилган 0,348; 9,27; 0,1834; 345,4; 235,2; 11,75; 0,0849; 0,0214; 0,000354 сонлардаги барча рақамларни ишончли деб ҳисоблаб, уларнинг йиғиндисини топинг.

Б а ж а р и ш. 345,4 ва 235,2 сонлар энг катта  $\Delta = 0,05$  абсолют хатоликка эга. Шунинг учун йиғиндининг абсолют хатолигини  $2\Delta = 0,10$  деб ҳисобласа бўлади. Қўшилувчилар сони кўп бўлмаганидан йиғиндини 0,01 ганча аниқликда яхлитлаймиз ([17], I боб, 2- §);

$$S = 345,4 + 235,2 + 11,75 + 9,27 + 0,35 + 0,18 + 0,08 + 0,02 + 0,00 = 602,25.$$

Агар натижада яхлитлашни ҳисобга олсак, у ҳолда

$$S = 602,2$$

ҳосил бўлиши мумкин.

Юқорида кўрсатилган 0,10 абсолют хатоликка яхлитлаш хатолигини қўшиб,  $\Delta_s = 0,15$  ёки  $\Delta_s = 0,2$  га эга бўламиз. У ҳолда йиғиндининг нисбий хатолиги

$$\sigma_s = \frac{0,20 \cdot 100\%}{602,25} = 0,033\%$$

бўлади.

2- в а з и ф а. Берилган  $m = 28,3 \mp 0,02$ ;  $n = 7,45 \mp 0,01$ ;  $k = 0,678 \pm 0,003$  қийматларда

$$x = \frac{m^2 \cdot n^3}{\sqrt{k}}$$

ни ҳисобланг ва натижадаги хатоликларни аниқланг.

Б а ж а р и ш. Аввал  $m^2 = 809,9$ ;  $n^3 = 413,5$ ;  $\sqrt{k} = 0,8234$  ларни ҳисоблайлик. У ҳолда  $x = 4,02 \cdot 10^5$  бўлади. Энди таърифлардан фойдаланиб ([10], I боб, 1—10- § лар), тақрибий сонларнинг хатоликларини аниқлаймиз:

$$\delta_m = 0,071 \% ; \quad \delta_n = 0,135 \% ; \quad \delta_k = 0,443 \% .$$

Булардан эса  $\delta_x = 2\delta_m + 3\delta_n + 0,5\delta_k = 0,77 \%$  ёки  $\delta_x = 0,77 \%$  ҳосил бўлади. У ҳолда  $x$  нинг абсолют хатолиги қуйидагидан иборат:

$$\Delta_x = 4,02 \cdot 10^5 \cdot 0,0077 = 3,1 \cdot 10^3$$

$$\text{ёки } \Delta_x = 3,1 \cdot 10^3 .$$

### Текшириш учун саволлар

1. Қийматли рақам ва ишончли белгининг таърифлари қандай?
2. Тақрибий сонларнинг абсолют ва нисбий хатоликларини таърифланг.
3. Чегаравий абсолют ва чегаравий нисбий хатоликларни таърифланг.
4. Тақрибий сонларнинг кўпайтмаси, илдизи, бўлинмаси, даражасининг чегаравий абсолют ва чегаравий нисбий хатоликлари нимага тенг?
5. Тақрибий сонлар йиғиндисининг чегаравий абсолют хатолиги қандай таърифланади?

### 9- лаборатория ишига Доир вазифалар

1-вазифа. Рақамлари ишончли бўлган

$m = \alpha 5,4$ ;  $n = 9\alpha$ ;  $k = 0,08\alpha$ ;  $l = 0,08\alpha$ ;  $r = \alpha 3,4$  тақрибий сонлардаги  $\alpha$  параметр ўрнига вариант номерини қўйиб:

- а) йиғинди  $u = m + n + k + l + r$ ;
- б) кўпайтма  $z = m \cdot n \cdot k \cdot l \cdot r$ ;
- в) бўлинмалар  $x = m : n$ ;  $y = k : r$ ;
- г) илдизлар

$$Q = \sqrt[5]{m}, \quad M = \sqrt[5]{n};$$

д) даражалар

$$V = k^3; \quad \omega = l^7$$

ни ҳисобланг ва натижадаги хатоликларни аниқланг.

2-вазифа. Қуйидаги ифодаларнинг қийматини ҳисобланг ва натижадаги хатоликларни аниқланг:

$$\text{а) } x = \frac{a^4 \cdot b^5}{\sqrt[3]{c}}; \quad \text{б) } y = \frac{(a-b) \cdot c}{\sqrt{a+b}};$$

$$\text{в) } z = \frac{1}{15} \cdot \pi \cdot c \cdot (2 \cdot a^2 + a \cdot b + 0,75b^2),$$

бу ерда

$$a = (2,7 - \alpha) \mp 0,03; \quad b = (3,71 + \alpha) \mp 0,01;$$

$$c = (7,23 + \alpha) \mp 0,02; \quad \pi \approx 3,14.$$

### 10-лаборатория иши

Тема: Хатоликларни аниқ ҳисобга олиш услуги.

Ишнинг мақсади. Талабаларда тақрибий сонлар билан турли амаллар бажариш натижасида ҳосил бўладиган хатоликларни аниқлашга дифференциал ҳисобни татбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилиш.

Масаланинг қўйилиши: а) Аргумент қийматининг берилган абсолют хатолиги бўйича функция қийматини ҳисоблашда ҳосил бўладиган абсолют ва нисбий хатоликларни аниқланг;

б) функция қийматининг маълум абсолют хатолигига кўра ундаги аргументларнинг хатоликларини аниқланг.

#### Вазифани бажариш усули

1-вазифа (туғри масала). Цилиндрнинг радиуси  $R=12,3$  см, баландлиги  $H=20,4$  см мос равишда  $\Delta R=0,01$  ва  $\Delta H=0,02$  аниқликда ўлчанган. Цилиндрнинг ҳажмини ҳисоблашда ҳосил бўладиган чегаравий абсолют ва чегаравий нисбий хатоликларини аниқланг ( $\pi \approx 3,14$  олиб, бундаги барча рақамларни ишончли деб ҳисобланг).

Бажариш. Функция қийматининг чегаравий абсолют хатолигини ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз (ҳосил бўлган натижаларни берилган хатоликни ҳисобга олган ҳолда яхлитлаймиз) ([10], I боб, 16-§):

$$\Delta_u = \sum_{i=1}^n \left| \frac{\partial f}{\partial x_i} \right| \cdot |\Delta x_i|.$$

$V = \pi R^2 H$  бўлгани учун қуйидагига эга бўламиз:

$$\frac{\partial V}{\partial R} = 2 \cdot \pi \cdot R \cdot H = 1575,78 \text{ см}^2,$$

$$\frac{\partial V}{\partial H} = \pi R^2 = 475,05 \text{ см}^2,$$

$$\frac{\partial V}{\partial \pi} = R^2 H = 3086,32 \text{ см}^2.$$

У ҳолда

$$\Delta V = \left| \frac{\partial V}{\partial R} \right| \cdot |\Delta R| + \left| \frac{\partial V}{\partial H} \right| \cdot |\Delta H| + \left| \frac{\partial V}{\partial \pi} \right| \cdot |\Delta \pi| = 30,2 \text{ см}^3.$$

Шунинг учун

$$\Delta V \approx 30,2 \text{ см}^3, V = \pi R^2 H = 9691 \pm 30 \text{ см}^3.$$

Чегаравий нисбий хатолик учун қуйидагига эга бўламиз:

$$\delta V = \frac{\Delta V}{V} \approx 0,31 \text{ \%}.$$

2-вазифа (тескари масала).

$$u = 6x^2 \cdot (\lg x - \sin 2y)$$

функция қийматини 0,01 гача аниқликда ҳисоблаш учун керак бўладиган  $x = 15,2$  ва  $y = 57^\circ$  тақрибий сонларнинг мумкин бўлган абсолют ва нисбий хатоликларини толинг.

Бажаариш. «Тенг таъсир» принципига биноан функция аргументининг абсолют хатолигини топиш формуласи ([10], I боб, 7-§).

$$\Delta x_i = \frac{\Delta_u}{n \cdot \left| \frac{\partial f}{\partial x_i} \right|} \quad (i = 1, 2, \dots, n)$$

( $n$  — аргументлар сони) экани маълум.

У ҳолда берилган масала учун қуйидагиларга эга бўламиз:

$$\frac{\partial u}{\partial x} = 12 \cdot x \cdot (\lg x - \sin 2y) + 6x \cdot \lg e = 88,54;$$

$$\frac{\partial u}{\partial y} = -12 \cdot x^2 \cdot \cos 2y = 1127,7.$$

Шартга кўра  $\Delta_u = 0,005$ . Юқорида келтирилган аргументларнинг абсолют хатоликлари қуйидагича бўлади:

$$\Delta_x = \frac{\Delta_u}{2 \cdot \left| \frac{\partial u}{\partial x} \right|} = 0,28 \cdot 10^{-4};$$

$$\Delta_y = \frac{\Delta_u}{2 \cdot \left| \frac{\partial u}{\partial y} \right|} = 0,22 \cdot 10^{-5}.$$

$x$  ва  $y$  ларнинг чегаравий нисбий хатоликлари

$$\delta_x = \frac{\Delta x}{|x|} = 0,18 \cdot 10^{-3} \% ; \delta_y = \frac{\Delta y}{|y|} = 0,22 \cdot 10^{-5} \%$$

каби бўлади.

### Текшириш учун саволлар

1. Функция қийматини ҳисоблашда хатоликни аниқ ҳисобга олишдаги тўғри масала нимадан иборат?
2. Тесқари масалани таърифланг.
3. Функция қийматини ҳисоблашда ҳосил бўладиган абсолют ва нисбий хатоликларнинг кўриниши қандай?
4. Тесқари масала учун берилган функция аргументининг абсолют хатосини ҳисоблаш формуласини ёзинг.
5. «Тенг таъсир принципи» нимадан иборат?

### 10-лаборатория ишига доир вазифалар

1-вазифа (тўғри масала). Радиуслари  $R$ ,  $r$ , ясовчиси  $l$  маълум бўлган ва мос равишда  $\Delta R$ ,  $\Delta r$ ,  $\Delta l$  хато-

2-жадвал

Вариант номери	$R \pm \Delta R$	$r \pm \Delta r$	$l \pm \Delta l$
1	19,2 $\pm$ 0,05	10,3 $\pm$ 0,02	8,2 $\pm$ 0,01
2	22,3 $\pm$ 0,02	16,4 $\pm$ 0,05	10,4 $\pm$ 0,01
3	23,6 $\pm$ 0,02	17,3 $\pm$ 0,01	10,2 $\pm$ 0,05
4	35,7 $\pm$ 0,01	22,3 $\pm$ 0,01	16,5 $\pm$ 0,05
5	43,7 $\pm$ 0,01	23,6 $\pm$ 0,05	17,3 $\pm$ 0,02
6	18,2 $\pm$ 0,05	10,2 $\pm$ 0,01	15,4 $\pm$ 0,02
7	17,3 $\pm$ 0,04	9,8 $\pm$ 0,03	8,2 $\pm$ 0,02
8	37,6 $\pm$ 0,04	29,3 $\pm$ 0,02	23,6 $\pm$ 0,03
9	34,4 $\pm$ 0,02	23,6 $\pm$ 0,04	22,3 $\pm$ 0,03
10	18,7 $\pm$ 0,03	16,3 $\pm$ 0,02	10,4 $\pm$ 0,04
11	27,6 $\pm$ 0,03	23,4 $\pm$ 0,04	23,4 $\pm$ 0,02
12	35,7 $\pm$ 0,03	23,4 $\pm$ 0,02	17,3 $\pm$ 0,04
13	43,7 $\pm$ 0,06	27,6 $\pm$ 0,04	27,6 $\pm$ 0,05
14	36,5 $\pm$ 0,06	18,2 $\pm$ 0,05	17,8 $\pm$ 0,04
15	29,2 $\pm$ 0,04	21,7 $\pm$ 0,06	18,7 $\pm$ 0,05
16	30,8 $\pm$ 0,05	21,7 $\pm$ 0,04	17,2 $\pm$ 0,06
17	29,2 $\pm$ 0,05	23,2 $\pm$ 0,06	21,7 $\pm$ 0,04
18	27,2 $\pm$ 0,05	20,2 $\pm$ 0,04	17,2 $\pm$ 0,06
19	26,3 $\pm$ 0,04	20,2 $\pm$ 0,01	21,7 $\pm$ 0,03
20	24,2 $\pm$ 0,03	21,7 $\pm$ 0,01	20,2 $\pm$ 0,04
21	43,7 $\pm$ 0,02	17,2 $\pm$ 0,04	10,3 $\pm$ 0,02
22	40,3 $\pm$ 0,01	19,7 $\pm$ 0,03	12,3 $\pm$ 0,04
23	37,6 $\pm$ 0,03	18,7 $\pm$ 0,02	16,4 $\pm$ 0,02
24	5,8 $\pm$ 0,02	19,9 $\pm$ 0,03	15,2 $\pm$ 0,01
25	32,4 $\pm$ 0,03	3,2 $\pm$ 0,02	18,4 $\pm$ 0,05



ликларга эга бўлган кесик конуснинг тўла сирти  $S$  ни ҳисоблашда ҳосил бўладиган чегаравий абсолют ва чегаравий нисбий хатоликлар топилсин.  $\pi \approx 3,14$  олиниб, барча рақамларини ишончли деб ҳисобланг. Кесик конус ўлчамларининг катталиклари ва уларнинг хатоликларини қуйида келтирилган жадвалдан вариантга қараб танланг (2-жадвал).

2-в а з и ф а (тесқари масала). Кесик конуснинг радиуслари  $R = a + 27,6$  см,  $r = a + 10,8$  см, баландлиги  $H = 35,2 + a$  см ва  $\pi \approx 3,14$ . Кесик конус ҳажми  $V$  ни  $0,2$  см<sup>3</sup> аниқликда ҳисоблаш учун  $R$ ,  $r$ ,  $H$  катталикларни қандай абсолют ва нисбий хатоликларда аниқлаш керак?

$a = 1,2 \dots, 25$  бўлиб, вариант номерини билдиради.

### III БОБ. АЛГЕБРАНИНГ СОНЛИ УСЛУБЛАРИ

#### 11-лаборатория иши

**Тема:** Ватарлар, уринмалар ва оддий итерация услублари.

Ишнинг мақсади: Талабаларни бир номаълумли алгебраик ва трансцендент тенгламаларни берилган аниқликда тақрибий ечишнинг баъзи услублари билан таништириш.

Масаланинг қўйилиши: а) Аналитик услуб билан тенгламанинг илдизини ажратинг;

б) тенгламани берилган аниқликда ватарлар, уринмалар ва оддий итерация услублари билан ечинг.

#### *Вазифани бажариш усули*

1-вазифа. а)  $2^x - 4x = 0$  тенгламанинг ҳақиқий илдизларини ажратинг;

б) ватарлар услуби билан бу тенгламанинг кичик илдизини 0,001 гача аниқликда ҳисобланг.

**Бажариш.** а)  $f(x) = 2^x - 4x$  функцияни кўриб чиқайлик. Аргументнинг турли қийматлари учун функция қийматлари жадвалини тузиб, тенгламанинг иккита илдизи борлигини осонгина аниқлаш мумкин; улардан бири 4 бўлса, иккинчиси (0,3; 0,4) оралиқда жойлашган, чунки  $f(0,3) > 0$ ,  $f(0,4) < 0$  ва олинган оралиқда  $f'(x) < 0$ .

б)  $f(0,4) < 0$  ва  $f''(0,4) > 0$  бўлгани учун  $x_0 = 0,4$ ;  $a = 0,3$  деб оламиз.

Бу қийматларни ([10], IV боб, 4-§)

$$x_{n+1} = x_n - \frac{f(x_n)(x_n - a)}{f(x_n) - f(a)}$$

формулага қўйиб,  $x_1$  учун қуйидаги қийматга эга бўламиз;

$$x_1 = 0,4 + \frac{f(0,4)(0,4 - 0,3)}{f(0,4) - f(0,3)} = 0,31.$$

Худди шундай  $x_2$  ва  $x_3$  ларни топамиз:

$$x_2 = 0,309903; \quad x_3 = 0,3098992.$$

Кўриниб турибдики,  $x_2$  ва  $x_3$  қийматларда учта биринчи ўнли рақамлар бир хил. Одатда ватарлар услуби билан тенгламанинг илдизини олдиндан берилган сондан катта бўлмаган абсолют хатоликда ҳисоблаётганда иккита кетма-кет келган илдизнинг фарқи модул бўйича  $\xi$  сондан кичик бўлгунга қадар ҳисобланади. Шунинг учун  $x=0,3098$  ни қаралаётган тенгламанинг 0,001 аниқликдаги илдизни дейиш мумкин.

Алгебраик ва трансцендент тенгламаларни ватарлар услуби билан ечишга мос дастурни ёзамиз. Унинг кўриниши қуйидагича бўлади:

1Ø REM — ватарлар услуби

2Ø INPUT T «аниқликни киритинг»; E

3Ø INPUT «A ва B чегараларни киритинг»; A, B

4Ø  $Z = f(A) \cdot f''(A)$

5Ø  $W = f(B) \cdot f''(B)$

6Ø IF Z < Ø THEN 13Ø

7Ø IF W < Ø THEN 9Ø

8Ø PRINT «Функциянинг чегаралардаги қийматлари бир хил ишорага эга»: GOTO 2Ø

9Ø X = B

10Ø GOSUB 32Ø

11Ø IF ABS(X - F) < E THEN 17Ø

12Ø X = F : GOTO 1Ø Ø

13Ø X = A

14Ø GOSUB 36Ø

15Ø IF ABS(X - F) < E THEN 17Ø

16Ø X = F : GOTO 14Ø

17Ø PRINT T «Илдиз X = »; X

18Ø END

30Ø REM — қисм дастур

31Ø REM — бошланғич қиймат B бўлган ҳол

32Ø  $F = X - f(X)(A - X)/(f(A) - f(X))$

33Ø RETURN

34Ø REM — қисм дастур

35Ø REM — бошланғич қиймат A бўлган ҳол

36Ø  $F = B - (X - B) * f(B)/(f(X) - f(B))$

37Ø RETURN

2-вазифа. Биринчи вазифада берилган тенгламанинг илдизини уринмалар услуби билан 0,001 гача аниқликда топинг.

Ба жариш.  $f(0,3) > 0$  ва  $f''(0,3) > 0$  бўлганидан  $x_0 = 0,3$  деб оламиз.

Ушбу қийматларни ([10], IV боб, 5-§)

$$\bar{x}_{n+1} = \bar{x}_n - \frac{f(\bar{x}_n)}{f'(\bar{x}_n)}$$

формулага қўямиз:

$$\bar{x}_1 = 0,3 - \frac{f(0,3)}{f'(0,3)} = 0,3098.$$

Худди шунингдек,  $\bar{x}_2 = 0,30988$  ни ҳосил қилиш мумкин. Кўриниб турибдики,  $\bar{x}_1$  ва  $\bar{x}_2$  қийматларда тўртта биринчи ўнли рақам бир хил, шунинг учун  $\bar{x}_2 = 0,30988$  берилган тенгламанинг 0,0001 гача аниқликда топилган илдиздан иборат бўлади.

Тенгламаларни уринмалар услуги билан ечишга мос дастурнинг кўринишини қуйидагича ифодалаш мумкин:

- 1Ø REM — уринмалар услуги
- 2Ø INPUT «коэффициентларни киритинг»; X
- 3Ø INPUT «аниқлик киритилсин»; E
- 4Ø GOSUB 8Ø
- 5Ø IFABS(X - F) < E THEN 7Ø
- 6Ø X = F : GOTO
- 7Ø PRIN T «X =»; X
- 8Ø REM — қисм дастур
- 9Ø F = f(X)/f'(X)
- 10Ø RETURN

3-вазифа. Ватарлар ва уринмаларнинг бирлашган услуги билан юқорида қаралаётган тенгламанинг кичик илдизини 0,0001 гача аниқликда топинг.

Бажариш. Бу ҳолда ватарлар ва уринмалар услуги бирданига қўлланилади. Осонгина ҳисоблаб сўралган аниқликдаги илдиз  $x = 0,30989$  эканлигига иқроор бўлишимиз мумкин (текшириб кўришни ўқувчига ҳавола қиламиз) ([10], IV боб, 7-§).

4-вазифа.  $x = 2^{x-2}$  тенгламанинг кичик илдизини итерация услуги билан 0,0001 гача аниқликда ҳисобланг.

Бажариш. Яқинлашиш шартини текшираамиз ([10], VI боб, 8-§)  $|\varphi'(x)| < 1$ . Биз қараётган ҳол учун  $\varphi'(x) = 2^{x-2} \cdot \ln 2 < 1$  бўлади. Бу ерда  $0,3 < x < 0,4$ .

Кўриниб турибдики, яқинлашиш шарти бажарилляпти. Бошланғич яқинлашишни  $\alpha_0 = 0,3$  деб олиб,  $\alpha_1 = \varphi(\alpha_0)$  ни ҳисоблаймиз.

$\alpha_1 = 2^{0,3-2} = 2^{-1,7} = 0,30779$ . Худди шунингдек,  $\alpha_2 = 0,30939$  қийматга эга бўлиш мумкин.

Шунга ўхшаш ҳисобларни жадвалга жойлаштирамиз (3-жадвалга қаранг).

$i$	$\alpha_i$	$\lg^2 \alpha_i^{-2}$	$\alpha_{i+1}$	$ \alpha_{i+1} - \alpha_i $
0	0,3	1,4885	0,30779	—
1	0,30779	1,49050	0,30939	0,00160
2	0,30939	1,49107	0,30995	0,00056
3	0,30995	1,49125	0,30992	0,00003

Жадвалдан кўриниб турибдики, берилган аниқликдаги илдиз:

$$\alpha_4 = 0,30992.$$

Тенгламаларни итерация услуги билан ечишга мос дастур қуйидагича тузилади:

```

1Ø REM — итерация
2Ø INPUT «аниқлик киритилсин»; E
3Ø INPUT «бошланғич ечим киритилсин»; X
4Ø GOSUB 8Ø
5Ø IF ABS (X - F) < E THEN 7Ø
6Ø X = F : GOTO 5Ø
7Ø PRINT «X =»; X : END
8Ø REM — қисм дастур
9Ø F = φ(X)
10Ø RETURN

```

### Текшириш учун саволлар

1. Тенглама илдизини аниқлаш деганда нимани тушунасиз?
2. Илдизни аниқлашнинг қандай услубларини биласиз?
3. Тенгламаларни ечишнинг қандай итерацион услубларини биласиз?
4. Тенгламани тақрибий ечишнинг итерация услуги нимадан иборат?
5. Ватарлар, уринмалар ва бирлашган услубларни қўллаш шартлари қандай?
6. Оддий итерация услугини қандай тенгламалар ечишга қўллаш мумкин?
7. Тенгламаларни тақрибий ечишда аниқлик қандай баҳоланади?
8. Нима учун оралиқ кетма-кет қисқартириляётганда (бирлашган услубда) унинг қуйи чегараси ками билан, юқори чегараси ортиги билан олинади?

### 11-лаборатория ишига доир вазифалар

- 1-вазифа. а) Тенгламанинг илдизларини ажратинг;

б) тенгламанинг кичик илдизини ватарлар услуби билан 0,001 гача аниқликда ҳисобланг.

2- в а з и ф а. Тенгламанинг кичик илдизини уринмалар услуби билан 0,0001 гача аниқликда ҳисобланг.

3- в а з и ф а. Тенгламанинг кичик илдизини бирлашган услуб билан 0,001 гача аниқликда ҳисобланг.

4- в а з и ф а. Тенгламанинг кичик илдизини итерация услуби билан 0,001 гача аниқликда ҳисобланг.

1. а)  $x^3 - 9x^2 + 31x + 37 = 0$ ;

б)  $\ln x + x + 13 = 0$ .

2. а)  $x^3 + 3x - 1 = 0$ ;

б)  $x - \cos x = 0$ .

3. а)  $x^3 - 3x^2 + 7x + 3 = 0$ ;

б)  $x \cdot 2^x = 1$ .

4. а)  $x^3 - 2x - 5 = 0$ ;

б)  $\sqrt{x+1} = 1/x$ .

5. а)  $x^3 - 6x^2 + 16x - 14 = 0$ ;

б)  $x + \lg x = 0,5$ .

6. а)  $x^3 + 6x^2 + 15x + 16 = 0$ ;

б)  $3x + \cos x + 1 = 0$ .

7. а)  $x^3 + x - 3 = 0$ ;

б)  $2 - x = \ln x$ .

8. а)  $x^3 - 6x^2 + 15x - 12 = 0$ ;

б)  $x^2 + 4 \cdot \sin x = 0$ .

9. а)  $x^3 + x + 1 = 0$ ;

б)  $2x - \lg x = 7$ .

10. а)  $x^3 - 3x^2 + 6x + 2 = 0$ ;

б)  $5x - 8 \cdot \ln x = 8$ .

11. а)  $x - 2x + 2 = 0$ ;

б)  $3x - e^x = 0$ .

12. а)  $x^3 - 6x^2 + 16x - 10 = 0$ ;

б)  $x \cdot (x + 1)^2 = 1$ .

13. а)  $x^3 + x - 1 = 0$ ;

б)  $x^2 = \sin x$ .

14. а)  $x^3 - 3x^2 + 7x + 1 = 0$ ;

б)  $x = \sqrt{\lg(x+2)}$ .

15. а)  $x^3 - x + 2 = 0$ ;

б)  $x^2 = \ln(x+1)$ .

16. а)  $x^3 - 3x^2 + 7x + 1 = 0$ ;

б)  $2x + \lg x = -0,5$ .

17. а)  $x^3 + 3x + 1 = 0$ ;

б)  $(2-x) \cdot e^x = 0$ .

18. а)  $x^3 + 3x^2 + 7x + 9 = 0$ ;  
 б)  $x^3 = \sin x$ .
19. а)  $x^3 + 2x + 4 = 0$ ;  
 б)  $x - 2^x = 0$ .
20. а)  $x^3 + 0,2x^2 + 0,5x - 1,2 = 0$ ;  
 б)  $x^2 + 4 \cdot \sin x = 0$ .
21. а)  $x^2 + 4x - 6 = 0$ ;  
 б)  $\sin(0,5x) + 1 = x^2$ ;  $x > 0$ .
22. а)  $x^3 - 3x^2 + 6x - 5 = 0$ ;  
 б)  $2x - \cos x = 7$ .
23. а)  $x^3 - 2x + 7 = 0$ ;  
 б)  $x + \cos x = 1$ .
24. а)  $x^3 - 3x^2 + 12x - 12 = 0$ ;  
 б)  $x + \lg(1+x) = 1,5$ .
25. а)  $x^3 - 0,1x^2 + 0,4x - 1,5 = 0$ ;  
 б)  $\lg(1+2x) = 2-x$ .

## 12-лаборатория иши

Тема: Гаусс услуби.

- а) Чизикли тенгламалар системасини ечиш;  
 б) тескари матрицани аниқлаш;  
 в) детерминантни ҳисоблаш.

Ишнинг мақсади: Талабаларни Гаусс услубидан фойдаланиб чизикли тенгламалар системасини ечишга, берилган матрицага тескари матрицани аниқлашга ва детерминантни ҳисоблашга ўргатиш.

Масаланинг қўйилиши: а) берилган чизикли тенгламалар системасини ечиш учун керак бўлган амаллар сонини баҳолаш;

б) чизикли тенгламалар системасини  $10^{-4}$  аниқликда ечинг;

в) берилган матрицанинг тескарисини аниқланг;

г) чизикли тенгламалар системаси коэффициентларидан тузилган детерминантни ҳисобланг.

### Вазифани бажариш усули

1-вазифа. Бошловчи элемент танлаб, қуйидаги чизикли тенгламалар системасини Гаусс услуби ёрдамида  $10^{-4}$  гача аниқликда ечинг:

$$\begin{cases} 7,09x_1 + 1,71x_2 - 2,23x_3 = -4,75 \\ 0,43x_1 + 1,40x_2 - 0,62x_3 = -1,05 \\ 3,21x_1 - 4,25x_2 + 2,13x_3 = -5,06 \end{cases}$$

Ба ж а р и ш. Аввало Гаусс услуби ёрдамида берилган чизиqli тенгламалар системасини ечиш учун керакли бўладиган арифметик амаллар сонини ҳисоблаймиз. Бунда қуйидаги ҳисоблаш формуласидан фойдаланамиз ([10], VIII боб, 3-§):

$$N = \frac{n}{3} \cdot (n^2 + 6 \cdot n - 1).$$

Бу ерда  $n$  — номаълумлар сони. Ушбу мисолда  $n=3$ . Шунинг учун  $N=27$ .

Энди Гаусс услубидан фойдаланиб,  $\bar{x}_1$ ,  $\bar{x}_2$ ,  $\bar{x}_3$  ларни учта қийматли рақам билан ҳисоблаймиз. Бунинг учун жадвалдан фойдаланамиз (4-жадвал).

4-жадвал

$\alpha_{i1}$	$\alpha_{i2}$	$\alpha_{i3}$	$\alpha_{i4}$	$\sum_{j=1}^4 \alpha_{ij} = \alpha_{i5}$	$\xi$ хатолик
$\boxed{7,09}$	1,17	-2,23	-4,75	1,28	0,00097
0,43	1,40	-0,62	-1,05	0,16	0,00087
3,21	-4,25	2,13	5,06	6,15	-0,00295
1	0,1650	-0,3145	-0,6700	0,1805	0,00014
	$\boxed{1,3290}$	-0,4847	-0,7619	0,0824	0,00081
	-4,7796	3,1395	7,2107	5,5706	-0,00340
	1	-0,3647	-0,5733	0,0620	0,00061
		$\boxed{1,3964}$	4,4705	5,8669	-0,00048
		1	3,2015	4,2015	-0,00035
1	1	1	3,2015 0,5943 0,2388	4,2015 1,5943 1,2388	-0,00035 0,00048 -0,00050

Шундай қилиб,  $\bar{x}_1=0,239$ ;  $\bar{x}_2=0,594$ ;  $\bar{x}_3=3,202$ .

Энди ечимни топишда қўйилган хатоликни, яъни

$$\Delta = \begin{bmatrix} 0,00097 \\ 0,00087 \\ -0,00295 \end{bmatrix}$$

ни аниқлаш учун матрицаси берилган тенгламалар сис-



темасига мос матрицали чизиқли тенгламалар системасини ечиш керак. Янги озод ҳадлар қуйидагича ҳисобланади: топилган  $\bar{x}_1$ ,  $\bar{x}_2$ ,  $\bar{x}_3$  қийм атлар берилган чизиқли тенгламалар системасига қўйилади, яъни

$$7,09 \times 0,239 + 1,17 \times 0,594 - 2,23 \times 3,202 = -4,7097;$$

$$0,43 \times 0,239 + 1,4 \times 0,594 - 0,62 \times 3,202 = -1,05087;$$

$$3,21 \times 0,239 - 4,25 \times 0,594 + 2,13 \times 3,202 = 5,06295.$$

У ҳолда:  $\xi_1 = -4,75 + 4,7097 = 0,00097;$   
 $\xi_2 = -1,05 + 1,05087 = 0,00087;$   
 $\xi_3 = -5,06 + 5,06295 = -0,00295.$

Берилган чизиқли тенгламалар системасини янги  $\xi_1$ ,  $\xi_2$ ,  $\xi_3$  озод ҳадлар билан ечамиз. У ҳолда  $10^{-4}$  гача аниқликдаги  $\xi_1 = -0,0004$ ,  $\xi_2 = 0,0005$ ,  $\xi_3 = -0,0001$  қийматларга эга бўламиз. Энди номаълумларнинг аниқланган қийматларини топамиз:

$$x_2 = \bar{x}_1 + \xi_1 = 0,239 - 0,0004 = 0,2386;$$

$$x_2 = \bar{x}_2 + \xi_2 = 0,594 + 0,0005 = 0,5945;$$

$$x_3 = \bar{x}_3 + \xi_3 = 3,202 - 0,0001 = 3,2019.$$

Шундай қилиб, ечим  $x_1 = 0,2386$ ;  $x_2 = 0,5945$ ;  $x_3 = 3,2019$  бўлади.

2- в а з и ф а. Берилган тўртинчи тартибли

$$A = \begin{bmatrix} 1,8 & -3,8 & 0,7 & -3,7 \\ 0,7 & 2,1 & -2,6 & -2,8 \\ 7,3 & 8,1 & 1,7 & -4,9 \\ 1,0 & -4,3 & -4,9 & -4,7 \end{bmatrix}$$

матрицага тескари бўлган  $A^{-1}$  матрица элементларини ҳисобланг.

**Б а ж а р и ш.** Маълумки, берилган матрицани унинг тескарисига кўпайтмаси бирлик матрицадан иборат бўлади. Шунинг учун тўртинчи тартибли матрицага тескари бўлган матрица элементларини топиш учун тўрт номаълумли тўртта чизиқли тенгламалар системасини ечиш зарур. Бу системани Гаусс услуби билан ечамиз. Барча ҳисобни жадвалда келтирамиз (5-жадвалга қаранг). Жадвалдаги ожирги устун ҳар бир сатр элементларининг йиғиндисдан иборат бўлиб, ҳисоблаш жараёнини текшириш учун хизмат қилади ([17], III боб, 8-§).

Жадвалдан кўриниб турибдики, тескари матрица элементлари тескари тартибда аниқланар экан.

Шундай қилиб, қидирилаётган тескари матрица

$\alpha_{i1}$	$\alpha_{i2}$	$\alpha_{i3}$	$\alpha_{i4}$	$\alpha_{i5, I}$	$\alpha_{i5, II}$	$\alpha_{i5, III}$	$\alpha_{i5, IV}$	$\Sigma$
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1,8	-3,8	0,7	-3,7	1	0	0	0	-4,0
0,7	2,1	-2,6	-2,8	0	1	0	0	-1,6
7,3	8,1	1,7	-4,9	0	0	1	0	13,2
1,9	-4,3	-4,9	-4,4	0	0	0	1	-11,0
1	-2,11111	0,38889	-2,05556	0,55556	0	0	0	-2,22223
	3,57778	-2,87222	-1,36111	-0,38885	1	0	0	-0,04440
	23,51110	-1,13890	10,10559	-4,05551	0	1	0	29,42228
	-0,28889	-5,63889	-0,79444	-1,05554	0	0	1	-6,77776
	1	-0,80279	-0,38073	-0,10368	0,27950	0	0	-0,01241
		17,73577	19,04992	-1,50052	6,57135	1	0	29,71405
		5,87081	-0,90434	-1,08694	0,08074	0	1	-6,78134
		1	1,07411	-0,08459	-0,37108	0,05638	0	1,67539
			5,40155	-1,58355	-2,09780	0,33100	1	3,05456
			1	-0,29316	-0,38837	0,06128	0,18513	0,56540
				0,23030	0,04607	-0,00944	-0,19885	-1,06809
				-0,03533	0,16873	0,01573	0,08920	1,06013
				-0,21121	-0,46003	0,16284	0,26956	0,76266

$$A^{-1} = \begin{bmatrix} -0,21121 & -0,46003 & 0,16248 & 0,26956 \\ -0,03533 & 0,16873 & 0,01573 & 0,08920 \\ 0,23030 & 0,04607 & -0,00944 & -0,19885 \\ -0,29316 & -0,38837 & 0,06128 & 0,18513 \end{bmatrix}$$

дан иборат. Натижани текшириш учун  $A \cdot A^{-1}$  кўпайтмани тузамиз:

$$A \cdot A^{-1} = \begin{bmatrix} 0,99997 & 0,0000 & -0,00001 & 0,00000 \\ -0,00025 & 0,99997 & -0,00002 & -0,00039 \\ -0,00008 & -0,000107 & 0,99982 & 0,00009 \\ 0,00000 & 0,00000 & 0,00000 & 1,00048 \end{bmatrix}$$

Демак, тескари  $A^{-1}$  матрица  $10^{-4}$  гача аниқликда ҳисобланган.

3-вазифа. 1-вазифада келтирилган чизиқли тенгламалар системасидаги номаълумлар олдидаги коэффициентлардан тузилган матрицанинг детерминантини ҳисобланг.

Бажариш. Номаълумлар коэффициентларидан тузилган детерминант

$$\Delta = \begin{vmatrix} 7,09 & 1,17 & -2,28 \\ 0,43 & 1,4 & -0,62 \\ 3,21 & -4,25 & 2,13 \end{vmatrix}$$

кўринишга эга.

1-вазифани бажариш давомида тузилган 4-жадвалдаги ажратилган бошловчи элементлар кўпайтмасини тузиб, изланган қийматга эга бўламиз, яъни ([17], III боб, 7-§):

$$\Delta = a_{12} \cdot a_{22}^{(1)} \cdot a_{33}^{(2)} = 7,09 \times 1,329 \times 1,3964 = 13,157732.$$

### Текшириш учун саволлар

1. Чизиқли тенгламалар системасининг ечими деб нимага айтилади?
2. Чизиқли тенгламалар системаси ечимининг ягоналик шартинимадан иборат?
3. Гаусс услубининг мазмуни нимадан иборат?
4. Гаусс услубида тўғри ва тескари юриш нима?
5. Гаусс услуби билан чизиқли тенгламалар системасини ечишда ҳисоблаш жараёни нинг тўғрилиги қандай текширилади?
6. Берилган матрицага тескари матрица элементларини ҳисоблаш йўлини тушунтиринг.
7. Детерминант қиймати бош элементлар орқали ифодаланган теоремани айтинг.

## 12- лаборатория ишига доир вазифалар

1- в а з и ф а. Берилган чизиқли тенгламалар системасининг Гаусс услуби билан  $10^{-4}$  гача аниқликда ечинг.

2- в а з и ф а. Берилган чизиқли тенгламалар системасининг номаълумлари олдидаги коэффицентлардан тузилган матрицага тескари матрица элементларини ҳисобланг.

3- в а з и ф а. Берилган чизиқли тенгламалар системасининг номаълумлари олдидаги коэффицентлардан тузилган детерминантни ҳисобланг.

*Эслатма.* 2- ва 3- вазифаларни 0,0001 гача аниқликда бажаринг.

$$\left. \begin{aligned} 1. \quad & 6,5x_1 + 3,8x_2 - 4,1x_3 + 1,2x_4 = 9,9, \\ & 7,1x_1 + 2,7x_2 - 1,4x_3 + 1,4x_4 = 6,9, \\ & -1,8x_1 - x_2 + 4,3x_3 + 1,3x_4 = 7,9, \\ & 1,5x_1 - 3,4x_2 + 7,8x_3 - 1,8x_4 = 15,1. \end{aligned} \right\}$$

$$\left. \begin{aligned} 2. \quad & 1,3x_1 + 3,2x_2 + 2,1x_3 + 3,3x_4 = 1,9, \\ & 3,5x_1 - 4,1x_2 - 5,3x_3 - 2,5x_4 = -4,7, \\ & 2,8x_1 + 3,5x_2 - 7,6x_3 - 4,9x_4 = -6,7, \\ & 1,4x_1 + 2,8x_2 + 3,9x_3 - 1,8x_4 = -4,8. \end{aligned} \right\}$$

$$\left. \begin{aligned} 3. \quad & 0,6x_1 + 1,1x_2 + 0,7x_3 + 0,03x_4 = 2,0, \\ & 1,8x_1 + 0,9x_2 - 0,6x_3 + 0,7x_4 = 0,2, \\ & 2,7x_1 - 0,8x_2 + 1,2x_3 - 2,4x_4 = 1,3, \\ & 3,6x_1 + 0,2x_2 - 3,4x_3 - 1,2x_4 = 0,1. \end{aligned} \right\}$$

$$\left. \begin{aligned} 4. \quad & 2,6x_1 - 3,1x_2 + 3,4x_3 + 2,5x_4 = 3,5, \\ & 6,6x_1 + 9,9x_2 - 2,3x_3 - 0,1x_4 = -4,3, \\ & 10,1x_1 + 3,2x_2 - 3,7x_3 - 2,8x_4 = 3,8, \\ & 8,9x_1 + 6,4x_2 + 1,1x_3 + 3,9x_4 = -7,8. \end{aligned} \right\}$$

$$\left. \begin{aligned} 5. \quad & 1,1x_1 + 2,3x_2 + 3,4x_3 - 2,0x_4 = 6,5, \\ & 2,8x_1 - 1,2x_2 - 2,3x_3 - 3,9x_4 = 8,8, \\ & 3,9x_1 + 2,8x_2 - 1,3x_3 + 2,8x_4 = 4,1, \\ & 2,7x_1 - 3,6x_2 + 2,6x_3 + 1,7x_4 = -8,7. \end{aligned} \right\}$$

